Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 2 (2026) · “Milliy statistika tizimida yangi bosqich: barqaror rivojlanish maqsadlari, xalqar... DOI: 10.5281/zenodo.24319674

“MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR”

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИКОРЛИКНИНГ МАМЛАКАТ ВА ҲУДУДЛАР ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

АБДУХАЛИКОВ УЛУҒБЕК АБДУХАЛИКОВИЧ
Мустақил изланувчи, ORCID: 0000-0003-3367-9951,
u.abdukhalikov@gmail.com
БЕГАЛОВ БАҲОДИР АБДУСАЛОМОВИЧ
и.ф.д., профессор, begalov@yandex.ru

Тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётининг локомотиви, тараққиётнинг драйвери эканлиги шубҳасиз ва давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёвнинг 2024 йил 20 декабрь куни мамлакатимиздаги фаол тадбиркорлар билан учрашувда таъкидлаганидек – “Тадбиркорликни ривожлантириш – биз учун стратегик вазифа. Бизнинг таянчимиз ҳам, суянчимиз ҳам, энг катта кучимиз ҳам шу соҳада мужассам” деган оборалари ҳам бежиз айтилмаган.”[1]

Дарҳақиқат Ўзбекистонда 20 йил аввал хусусий тадбиркорлик амалда мавжуд бўлмаган бўлса, бугунги кунда барча хўжалик юритувчи субъектларнинг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес ташкил этиши, бу секторда мамлакат қўшилган қийматининг 52,2 фоизини яратилиши, меҳнат бозорининг 74,7 фоизни қондирилиши ҳам юқоридагиларни тасдиқлайди.

1-жадвал.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбикорликнинг асосий кўрсаткичлари*

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар				
		2021	2022	2023	2024	2025
Саноат маҳсулоти	трлн.сўм	124,9	143,9	177,9	307,8	383,9
Инвестициялар	трлн.сўм	109,2	127,6	176,6	265,7	362,9
Қурилиш	трлн.сўм	77,9	93,6	176,0	194,5	230,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	трлн.сўм	308,8	350,2	411,8	454,9	495,4
Чакана савдо	трлн.сўм	186,8	229,2	287,1	345,4	400,5
Кўрсатилган бозор хизматлари	трлн.сўм	231,5	394,2	378,0	477,9	595,1
Экспорт миқдори	трлн.АҚШ долл.	3,3	6,2	6,9	9,3	12,4

[1] Ш.М. Мирзиёевнинг 2024 йил 20 декабрь куни мамлакатимиздаги фаол тадбиркорлар билан учрашувдаги нутқидан. https://uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyoev-tadbirkorning-yutugi-butun-xalqimizning-yutugi_670656.

Published: 05.06.2026
Cite this article: Абдухаликов Улуғбек Абдухаликович, Бегалов Баҳодир Абдусаломович (2026). Кичик бизнес ва хусусий тадбикорликнинг мамлакат ва ҳудудлар тараққиётидаги ўрни. Emro Science and Education, 2(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24319674
© 2026 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Импорт миқдори	трлн.АҚШ долл.	11,5	15,2	19,5	19,9	25,4
Банд бўлганлар	млн.киши	10,1	10,1	10,4	10,7*	10,8*

*- ҳисоб китоблар асосида


Айнан шу жиҳатлари туфайли тадбиркорликнинг муҳим қатлами кичик тадбиркорликни ривожлантириш масаласи мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимиз, Янги Ўзбекистонни қуриш йўлида амалга оширилаётган Стратегияларимизнинг муҳим ва устувор йўналишларидан биридир. Шу билан бирга мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қонуний кафолатлари таъминланган[2].

Самарқанд вилояти ҳам бу жараёнлардан холи эмас ва унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ҳам кичик тадбиркорлик муҳим ўрин тутади. Мисол тариқасида, расмий статистика маълумотларига кўра, 2025 йилда Самарқанд вилоятининг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 121,5 трлн сўмни ташкил этган бўлса, унинг 69,5 фоизи бевосита кичик тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Аниқроғи вилоятда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қарийиб 84,4 трлн.сўмлик қўшилган қиймат яратилмоқда. Шу билан бирга, кичик тадбиркорлик турмуш фаровонлигини оширишда ҳам муҳим ўрин тутиб, меҳнат бозорининг 81,2 фоизи айнан шу сектор ҳисобига таъминланмоқда.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кичик тадбиркорликнинг ўрнини қуйида келтирилган 1-расмда батафсил кўришимиз мумкин.

IQTISODIY STATISTIKA KAFEDRASI — Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

[2] https://lex.uz/uz/docs/2006789.




1-расм. Кичик тадбиркорликнинг Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни (2025 йил якунлари, улуши %да)[3]

Ўз навбатида, қўшилган қиймат бевосита ушбу секторда фаолият юритаётган субъектлар ҳисобига яратилишини инобатга олиб, Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларини[4] батафсил таҳлил қилсак.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 34,5 мингдан зиёд кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб, уларнинг сўнгги беш йилдаги ўзгариш динамикаси қуйидаги 2-расмда келтириб ўтилган.

[3] Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

[4] Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлари асосида давлат рўйхатидан ўтиб фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар таҳлил қилинган.




2-расм. Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони динамикаси[5]

Шу ўринда, 2022-2024 йиллар мобайнида кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг пасайиш тенденциясини кўришимиз мумкин. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги ПФ-113-сон Фармонига асосан, давлат органларида мавжуд маълумотлар базаларининг долзарблигини ва статистик ахборотларнинг бирхиллигини таъминлаш мақсадида Солиқ қўмитаси, Статистика агентлиги ва Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар ҳақидаги маълумотлар базалари хатлови натижаларига кўра, аниқланган фарқлар бирхиллаштирилганлигини изох сифатида келтириб ўтишимиз мумкин.

Ўз навбатида, бу жараён фақатгина сон жиҳатидан камайишни кўрсатиб, сифат жиҳатига таъсир этмайди. Чунки, камайиш фақатгина Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрида рўйхатдан ўтиб, амалда фаолият юритмаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг фаолият кўрсатаётган субъектлар рўйхатдан чиқарилганлигини кўрсатади.

Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланишини кўрганимизда, вилоятда кичик корхона ва микрофирмаларни асосий қисми савдо (14,6 мингта), саноат (4,7 мингта), хизматлар (мазкур таҳлилда келтирилган хизматлардан ташқари турлари, 3,7 мингта) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият юритаётганлигини кўрсатмоқда (3-расм).

[5] Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.




3-расм. Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (01.01.2026 йил ҳолатига, сони - минг бирликда)[6]

Шу билан бирга, йилига 6 мингдан зиёд (2025 йилда 6548 та) кичик тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтиб ўз фаолиятини йўлга қўймоқда.

2025 йилда давлат рўйхатидан ўтган, янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг таҳлили савдо йўналишда фаолият юритиш Самарқанд вилоятида жозибадор йўналиш сифатида сақланиб қолаётганлигидан далолат бермоқда. Хусусан, қуйидаги 4-расмда, 2025 йилда 2457 та янги кичик корхона ва микрофирмалар давлат рўйхатидан ўтиб ўз

[6] Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

фаолиятини йўлга қўйганлигини кўришимиз мумкин.



4-расм. Самарқанд вилоятида иқтисодий фаолият турлари бўйича 2025 йилда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони (бирликда)[7]


Шу каби, яшаш ва овқатланиш бўйича хизмат кўрсатиш фаолияти ҳам (2025 йилда 917 та кичик корхона ва микрофирма ташкил этилган) жозибадор йўналишлардан бири сифатида кўрилмоқда. Албатта бу йўналишлардаги хизматлар Самарқанд вилоятининг туризм маркази эканлигини инобатга олган ҳолда, бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф тамойилига кўра табиий равишда талаб юқори бўлган хизмат турлари эканлиги билан изохланади.

Албатта саноат ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш йўналишларида ҳам қизиқиш йилдан-йилга юксалиб бораётганлигини кўрамиз ва бу йўналишлар, бевосита стратегияларимиз, хусусан мамлакатимизни тараққий эттириш, ривожланиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, барча учун тенг ва қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси, бу борада қабул қилинган мақсадли дастурлар ижроси натижасида ривожланиб бораётганлигини акс эттиради.

Шу билан бирга, ривожланиш дастурлари қабул қилинишига, кичик тадбиркорлик ривожланиб бораётганлигига қарамай, ҳудудлар кесимида таҳлиллар (Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туманлари кесимида) номутаносибликни кўрсатмоқда (5-расм). Хусуан, Самарқанд вилоятида кичик тадбиркорлик субъектларининг концентрацияси асосан Самарқанд шаҳрига

[7] Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

(фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг 31,3 фоизи) тўғри келмоқда.



5-расм. Самарқанд вилоятининг шаҳар (туманлар) кесимида фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони (01.01.2026 йил ҳолатига, бирликда)

Демак, стратегик мақсадимизга эришиш, яъни барча ҳудудларда аҳоли учун қулай шарт-шароит яратиш, ҳудудлараро номутаносибликларни бартараф этиш учун, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нуқтаи-назаридан кичик тадбиркорликни муҳим ўрин тутишини инобатга олиб, бошқа ҳудудларда ҳам қулай бизнес муҳитини яратиш, жозибадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.


Шу нуқтаи-назардан, кичик тадбиқорлик субъектларининг барқарор фаолият юритиши учун ҳудудларда яратилган шарт-шароитларнинг лозим даражада эканлиги, бизнес муҳитининг қай даражада қулайлиги борасида ўрганишлар олиб бориш келгуси тараққиёт ва барқарор риволаниш калитидир ва бу ҳолатда кичик тадбироклик субъектлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларини таҳлил қилсак[8].

А) Умумий иқтисодий ҳолатининг баҳоланиши (корхонанинг жорий ҳолати бўйича)

[8] Сўров, статистика идоралари томонидан кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳисоботларини қабул қилиш жараёнида (ҳисобот таркибида) амалга оширилган.

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари бўйича ўтказилган танланма кузатув маълумотларига кўра кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини жорий давр учун қулай деб баҳолаган корхоналар улуши 2021 йилнинг январ-декабрида 30,7 %ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2025 йилнинг январ-декабрида 47,7 %га этган ёки 2021-йилнинг январ-декабрида нисбатан 2,8 бирликка кўпайган. Шунингдек, иқтисодий вазиятини қониқарли деб баҳолаган корхоналарнинг улуши 2021 йилнинг январ-декабрида 43,7 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2025 йилнинг январ-декабрида 48,2 %ни ташкил қилган.

Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини қониқарсиз деб ҳисоблаган корхоналарнинг улуши эса 2021-йилнинг январ-декабрида 6,6% ни ташкил этган бўлса, 2025-йилнинг январ-декабрига келиб, бу кўрсаткич 4,0 % га пасайган.




6-расм. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг январ-декабр ойларида умумий иқтисодий ҳолатининг баҳоланиши динамикаси (корхонанинг жорий ҳолати бўйича, коэффициент)

Б) Умумий иқтисодий ҳолатнинг баҳоланиши (яқин уч ойда ўзгаришлар истиқболи)

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари тўғрисида ўтказилган танланма кузатув маълумотлари натижаси бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини яқин уч ойда ўзгаришлар истиқболи яхшиланади деб баҳолаган корхоналар улуши 2021 йилнинг январ-декабрида 51,2 %ни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2025 йилнинг январ-декабрида 55,1 %га тенг бўлган. Шунингдек, иқтисодий вазиятини ўзгармайди деб баҳолаган корхоналарнинг улуши 2021 йилнинг


январ-декабрида 38,9 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2025-йилнинг январ-декабрида 43,1 % ёки 4,2 бирликка ошган. Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини ёмонлашади деб ҳисоблаган корхоналарнинг улуши эса 2021 йилнинг январ-декабрида 4,2 %ни ташкил этган бўлса, 2025 йилнинг январ-декабрига келиб, бу кўрсаткич 1,7 %ни ташкил қилган.



7-расм. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг январ-декабр ойларида умумий иқтисодий ҳолатининг баҳоланиши динамикаси (яқин уч ойда ўзгаришлар истиқболи, , коэффициент)

В) Кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жорий даврда иқтисодий вазиятни баҳолаш

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2025 йилнинг IV чорагида ўтказилган кузатув натижаларига кўра, жорий даврда иқтисодий вазиятини қулай деб баҳолаган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 54,8 %ни, савдода – 48,9 %ни, қурилишда – 40,2,%ни ва саноат соҳасида – 41,4,%ни ташкил этган. Шунингдек, иқтисодий вазиятини қониқарли деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши хизматлар соҳасида – 49,7 %ни, саноат ва савдо – 51,0 %ни ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 41,1 %ни, иқтисодий вазиятини қониқарсиз деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши қурилиш – 8,8 %ни, хизматлар соҳасида – 4,9 %ни ва саноат соҳасида – 7,6 %ни ташкил этган.



8-расм. Бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий даврдаги ўзгаришлар, %)

Юқоридаги сўров натижалари сарҳисоби, Самарқанд вилоятида кичик тадбиркорлик учун қулай бизнес муҳитини яратиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилаётганлиги билан бир қаторда, бизнесга бўлган ишонч муҳити ўзгармаётганлиги, хусусан соғлом рақобат муҳитини яратишга (50,6 % сўровда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмалар рақобат муҳити ўзгармаганлигини қайд этган) эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, кичик тадбиркорлик иқтисодий тизимнинг энг ҳаракатчан қисми ҳисобланиб, таркибий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга оширишни таъминлайди. Шу боис

замонавий шароитда бу сектор вакиллари учун зарур шароитлар, қулай бизнес муҳитини яратиш ислоҳотларнинг асосий ва устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Самарқанд вилоятида ҳам кичик бизнес иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутмоқда. Шу билан бир қаторда, вилоятда соғлом рақобат муҳитини, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кичик тадбиркорликни эркин фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳудудлараро номутаносибликка барҳам бериш учун ҳар бир ҳудуднинг драйвер йўналишларидан келиб чиқиб, ушбу ҳудудларнинг тадбирколик учун жозибадорлигини таъминлаш борасида манзилли тадбирларни амалга ошириш зарур. Бу тадбирлар, биринчи навбатда, вилоятда тадбиркорликни, шу жумладан кичик тадбиркорликни ривожланишига туртки бериб, иккинчидан, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга, учинчидан эса аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // https://lex.uz/uz/docs/2006789.

2. Ш.М. Мирзиёевнинг 2024 йил 20 декабрь куни мамлакатимиздаги фаол тадбиркорлар билан учрашувдаги нутқи // https://uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyoev-tadbirkorning-yutugi-butun-xalqimizning-yutugi_670656.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-113-сон Фармони // https://lex.uz/docs/5971599.

4. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: Шарқ, 2002. 324 б.

5. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. –Т.: “Иқтисодиёт ва молия” 2008. -156 б.

6. Бегалов Б.А., Мамадалиев О.Т., Абдусаломова Н.Б. The Effect Of Economic Sectors And Regions In Gross Domestic Product In Uzbekistan, Journal of Positive School Psychology, 2022, Vol. 6, No. 6, 2249-2263. http://journalppw.com.

7. Ғойибназаров Б., Раҳмонов Ҳ., Отажонов Ш., Алматова Д. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш омили. Монография. –Т.:Фан, 2011.-184 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари: // https://stat.uz/uz/.

9. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари // https://samstat.uz/uz/.

IQTISODIY
STATISTIKA KAFEDRASI
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti